Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 239 (8229). ● 16 декабрь, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ҚАҲРАМОННИНГ ДОВОНЛАРИ

БЎКА. Ҳамза номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова бошлиқ бригадаси аъзолари иккинчи марта қабул қилинган қўшимча социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли адо этдилар. 83 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 53,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Қабул пунктига етказиб берилган 440 тонна пахтанинг 350 тоннасини Эрмуҳаммад Аширматов ва Темир Ризаев сингари моҳир механик-ҳайдовчилар териб беришди. Ҳосилнинг 80 процента юқори сортларга қабул қилинди. Бунда Музаффар Чардакчиев, Ҳужжат Гулаҳмедов, Ҳожар Ҳолйигитова, Албиса Гулаҳмедова сингари колхозчиларнинг қўшган ҳиссалари салмоқлидир.

Т. ОХУНОВА НОМЛИ БРИГАДА ҲИССАСИ

ЧИНОЗ. Киров номли колхоз механизаторлари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. 725 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,1 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 2548 тонна «оқ олтин» сотилди.

Бу хирмонга Т. Охунова номли бригада аъзоларининг қўшган ҳиссалари айниқса салмоқлидир. Машҳур пахтакор номини шарафлаш учун астойдил меҳнат қилган коллектив қийин шароитда ҳосилдорликни 55 центнерга етказишга муваффақ бўлди.

Набй Ботиров, Бенабек Бўрибеков, Обид Абдиевлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 40 — 42 центнерга етказилди.

Колхоз аъзолари Калинин районидан келган ҳашарчилар кўмагидан жуда миннатдор бўлдилар.

80 ПРОЦЕНТИ ЮҚОРИ СОРТГА

БЕКОБОД. Далварзин совхозининг 3-бўлимидаги Аҳмад Мавлонов бошлиқ бригада коллективи зиммага олган социалистик мажбуриятини бажарди. 84 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 37 центнердан ҳосил олинди.

350 тонна хом ашёнинг 80 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Бригада механик-ҳайдовчиси Анорбой Жамилов, чевар теримчилардан А. Маллаева, Т. Жўраева, Х. Қурбонова, М. Мавлоновалар коллектив ютуғига самарали ҳисса қўшдилар.

ҚИРҚДАН ОШИБ, ҚИРҚ БЕШГА ЕТДИ

ПИСКЕНТ. Яҳёхон Орифхонов бошлиқ бригада дастлабки социалистик мажбуриятда белгиланган 40 центнерлик маррани Свердлов номли колхозда биринчилар қаторини эгаллаган эди. Шундан сўнг ҳар гектар майдондан яна беш центнердан ҳосил олиш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилинган эди. Куни кеча бу марра ҳам муваффақиятли эгалланди.

Бригадада 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, 247 тонналик хирмон уйилди. Ваъданинг ёруғ юз билан бажарилишида коллектив аъзоларидан ташқари район суғориш тармоқлари бошқармасининг 30 кишилик ҳашарчилар группаси ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ҳашарчилар бригаданинг 65 тонна ҳосилини йиғиштириб бердилар.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ МАРДОНА ЕНГИБ

ШУ РАЙОНДАГИ Калинин номли колхознинг Деҳқон Икромов бошлиқ бригадасига ажратиб берилган 105 гектар пахта майдони ғўзаларни суғориш, культивация ўтказиш ва бошқа агротехник тадбирларни бажариш учун анча ноқулай бўлган ерлардан иборат. Шунга қарамай, аҳил коллектив эрта кўкламдан бери уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, социалистик мажбуриятини шараф билан адо этди. Ҳосилдорлик 35 центнерга етди. Бу планда белгиланганидан етти центнер кўпдир.

«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Бўка	0,06	111,34
Коммунистик	0,07	109,80
Бекобод	0,07	106,26
Оққўрғон	0,07	106,19
Чиноз	0,07	104,36
Пискент	0,06	103,86
Ўрта Чирчиқ	0,07	103,37
Янгийўл	0,07	101,80
Ғалаба	0,07	94,22
Область бўйича:	0,05	104,52

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

1983 ЙИЛНИ БАРЧА СОҲАЛАРДА ЗАРБДОР ЯКУНЛАЙЛИК

УЧ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бекободдаги 6-механизациялашган кўчма колонна коллективи куни кеча катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди: ўн биринчи беш йилликнинг уч йиллик плани муддатидан аввал ортиғи билан адо этилди.

Ишчилар беш йиллик бошидан буён 10 миллион 634 минг сўмлик пудрат ишларини бажардилар. Жумладан, ўз кучлари билан 9 миллион 567 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга оширдилар. Техникадан унумли фойдаланиш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш натижасида 484 гектар ўрнига 604 гектар янги ер ўзлаштирилди. 3100 гектар ўрнига 3133 гектар ер капитал планировка қилинди.

Колонна аҳли, шунингдек, 4027 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, 54 километрга яқин каналларни бетонлаштиришда хўжаликларга ёрдам бердилар.

Қўлга киритилган ютуқларда Ю. Нодиров, И. Бережнойлар бошлиқ механизаторлар, В. Бобоназаров раҳбарлигидаги бетончилар, Д. Асанов етакчилигидаги монтажчилар бригадалари, В. Морозов, Т. Жўраев, Д. Панузов, С. Двардзелар раҳбарлигидаги экскаваторчилар экипажи катта ҳисса қўшди.

Дастлабки зафар маррасини эгаллаган колонна ишчи-хизматчилари йил охиригача яна 292 минг сўмлик пудрат ишларини бажаришга, 120 гектар ерни капитал текислаш ва беш километрдан ортиқ масофадаги каналларни бетонлаштиришга аҳд қилдилар.

К. МАВЛОНОВ.

ПЕШҚАДАМ ЦЕХ

Олтингугурт цехи Олмалиқ пул заводининг асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларидан ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган сульфат кислотаси кон-металлургия комбинатининг кўпгина корхоналарида фойдаланилмоқда. Цех коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашда ой сайин яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Бундай муваффақиятга кўп жиҳатдан мавжуд асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, янги, замонавий машина-механизмларни кўплаб жорий қилиш ҳисобига эришилмоқда.

Пешқадам цех коллективи ўн биринчи беш йиллик марказий йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунламоқда. Давлат плани ой сайин ортиғи билан адо этиляпти. Шу вақтгача топширикдагидан ташқари 4,5 минг тоннадан кўпроқ олтингугурт кислотаси тайёрланди ва буюртмачиларга юборилди.

Цехда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан бирга унинг сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланмоқда. Бу муҳим кўрсаткич бўйича коллектив зиммасига юклатилган вазифа зиёдаси билан адо этиляпти. Бу йил цехда жами маҳсулотнинг 20 процента олий сифат категориясида бўлиши таъминланиши керак эди. Аслида эса у деярли 40 процентни ташкил этди. Цех ишчилари меҳнатнинг сифат кўрсаткичларини оширишга ёрдам берадиган янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солиш учун тинмай изланмоқдалар.

М. АББОСОВ.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



● Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилини салмоқли кўрсаткичлар билан якунлаш мақсадида байрамолди социалистик мусобақасини янада авж олдирмоқдалар. Меҳнат беллашувининг олдинги сафида бораётган илғор чорвадорлар анчагина. Кумуш Каримова хўжаликнинг ана шундай пешқадам сут соғувчиларидан биридир. Унинг кўп йиллик самарали меҳнати Меҳнат Қизил Байроқ ҳамда Ҳурмат белгиси орденлари билан тақдирланган.

В. Портнов фотоси.



● «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўз пландари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларини ой сайин муваффақиятли бажаряпти. Шу йилнинг ўтган даврида пландагидан ташқари юзларча минг сўмлик турли хил тикувчилик буюмлари реализация қилинди. Коллективнинг бундай меҳнат муваффақиятларида ишлаб чиқариш илғорларининг ҳиссаси каттадир. Шундай пешқадам ишчилардан Барно Тўйчиева ҳар сменада норманн бир ярим баравар ва ундан ҳам ошириб адо этмоқда. Моҳир чевар шу кунларда 1985 йил ҳисобига маҳсулот бераяпти. Суратда: илғор ишчи Барно Тўйчиева.

А. Тўраев фотоси.

ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР

ЎН БИРИНЧИ беш йилликнинг марказий йили тугаб боряпти. Далалардаги ҳосилнинг сўнгги мисқоллари йиғиштириб олинмоқда. Пахтакорлар учун йил якунларини шошилмай, бафуржа таҳлил қиладиган пайтлар келди.

Коллективимиз аъзолари бу йил ҳар қачонгидан ҳам баракали меҳнат қилдилар. Мавжуд 1580 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,22 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани, қарийб 105 процент бажарилган бўлса-да, эришилган бу натижа хўжалигимиз раҳбарларини ҳам, мутахассисларни ҳам, ҳатто оддий колхозчиларимизни ҳам қаноатлантиргани йўқ. Чунки ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан икки процентга камайиб кетди.

Бугунги кунда биз бунинг сабабини табиат инжиқликларига қўймоқчи эмасмиз. Аксинча, йил давомида йўл қўйилган нуқсонларимизни, фойдаланолмай қолган резерв ва имкониятлар мавжуд эканлигини эътироф қилмоқчимиз.

Мана, фактларга мурожаат қилайлик. Илаш Муродов етакчилик қилаётган 1-участка пахтакорлари мавсумда 840 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Ҳосилдорлик 36 центнерданга тўғри келди. Пахтанинг таннархи ҳам ўтган йилдагига қараганда 15—20 процент арзонлашди. Участка бўйича етиштирилган жами ҳосилнинг 87 процента биринчи сортларга сотилди. 85 процента эса машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Носир Тошбоев, Назира Нодирова, Абдузоҳид Қўчқоров, Ҳабибулла Беркинбоев ва Ҳасан Эргашевлар бошлиқ бригадаларда гектаридан 36—38 центнердан хирмон кўтарилди. Бизни ажаблантираётган нарса шуки, бу бригадаларда ҳам, Илаш Муродов бошлиқ участкада ҳам ер ва табиий шароитлар бошқа коллективлардагига нисбатан яхши, деб бўлмайди. Чунки, колхозимиз бўйича ҳамма майдонларда ер шароитлари деярли бир хил. Демак, колхозимизнинг ўртача кўрсаткичидан ортда қолган участка ва бригадаларда чигитни экиш, тўла ундириб олиш, тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш, ғўзани озиқлантириш, сувга қондириш ҳамда культивация қилишда айрим хатоларга йўл қўйилган. Бизнинг ҳозирги вазифамиз ана шу хатоларни аниқлаш ва бундан тўғри хулоса чиқаришдан иборатдир.

Бундан ташқари, 350 гектар еримиз кам қувватли ҳисобланади. Биз ана шу ернинг ҳар гектаридан бу йил ўртача 29 центнер атрофида ҳосил олдик. Демак, шу ернинг кам қувватлигини била туриб, зарур чора кўрилмаган.

ҚИЁС ВА ТАҲЛИЛ

Бу йилги мавсум сабоқлари келгуси йил ҳосили учун замин тайёрлашимизда, албатта ҳисобга олинади. Ҳадемай, кадрларимизнинг қишки ўқуви бошланади. Ана шу машғулотлар давомида илғорлар тажрибасини чуқур ўрганиб, кенг оммалаштиришимиз, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни такрорламаслик йўлларини белгилаб олишимиз керак бўлади.

Кузги шудгорни эрта муддатларда сифатли ўтказиш муҳим агротехник тадбирлардан бири ҳисобланишини яхши биламиз. Шунинг учун бу ишга аввалдан пухта тайёргарлик кўрилди. 15 та ҳайдов трактори барвақт созлаб қўйилган. Уларни икки сменада ишлатамиз. Бизда ҳар бир тракторга 120 гектар ер тўғри келади. Кузги шудгорнинг сифатини текшириб борадиган махсус комиссия тузилди. Трактрочилар ўртасида ташкил этиладиган социалистик мусобақа шартларига ҳам ишлаб чиқилган. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясалади. Ғолиблар аниқлашда ишнинг сифати асосий роль ўйнайди.

Ўлмас Юсупов, Худойберди Қозоқов, Али Иброҳимов, Малик Усмонқулов сингари механизаторларимиз смена давомида 8—10 гектар майдонни сифатли шудгор қилиш юзасидан мажбурият қабул қилишган. Механизаторларимизнинг юксак унум билан ишлашлари учун Самад Усмонқулов ва Тен Ян Чер бошлиқ кўчма ремонт устахонаси ташкил этганмиз. Улар бевосита даланинг ўзида техник хизмат кўрсатишади. Бундан ташқари, марказий устахонада ҳам слесарлар кечаю кундуз навбатчилик қилишади.

Камҳосилли 350 гектар майдоннинг ҳар гектарига шудгор олдидан 30 тоннадан чириган гўнг солишни мўлжаллаб қўйганмиз. Эрта кўкламда эса бу ернинг 125 гектарига беда ва 225 гектарига дон учун маккажўхори экамиз. Шунингдек, яна 500 гектар майдоннинг ҳар гектарига 20—25 тоннадан маҳаллий ўғит солинади.

Ҳозир далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин олиб бориляпти. 2 та юкловчи механизм ва 10 та транспорт трактори тўхтовсиз ишлаб турипти. Жами 12 минг 600 тонна маҳаллий ўғит ва 2400 тонна компост тайёрлашни планлаштирганмиз. Дала бошларига чиқариб қўйиладиган бу органик ўғитлар келгуси йили ривожланишдан орқада қолаётган майдонлардаги ғўзаларни табақалаб парвариш қилиш имконини беради.

Халқимизда «қиш фасли — деҳқон учун иш фасли», деб бежиз айтилмаган. Келгуси ҳосилга замин яратиш ҳақиқатан ҳам қиш фаслидан бошланади. Биз кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида тўла-тўкис амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларни ишга соламиз.

А. ҲОЛИҚОВ,
Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз бош агрономи.

ВАТАН ҚУДРАТИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

14 декабрь куни СССР Мудофаа министрлиги раҳбарларининг Совет Қуролли Кучлари ветеранлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Д. Ф. Устинов очди. У КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси Ю. В. Андроповдан ветеранларга коммунистик жанговар салом ҳамда сиёсат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб билдирган истакларини топширди. Юрий Владимирович, деди министр, сизларнинг ҳар бирингиз бундан буён ҳам социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ишига муносиб ҳисса қўшасизлар, қуролли кучларнинг шахсий составини, барча совет кишиларини, айниқса, ёшларимизни партия, халқ, армия ва флотнинг ажойиб анъаналари руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишда актив қатнашасизлар, деб ишонч билдирди.

Бу учрашувдан мақсад, деб таъкидлади министр, — ёшларни зарур маънавий-сиёсий ва жанговарлик фазилатлари, ҳаётда актив позицияда туриш, ахлоқий етуклик руҳида тарбиялаш, уларда юксак масъулият, Коммунистик партия билан совет халқи олдидаги бурчни астойдил ҳис этиш, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш фазилатларини ҳосил қилиш учун сизларнинг тажрибангиздан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш хусусида маслаҳатлашиб олишдан иборатдир.

Учрашув қатнашчилари ўз нутқларида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги иш тажрибасини ўртоқлашдилар, армияга чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашни янада яхшилаш, армия ва флот жангчиларига таълим ва тарбия беришни такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклифлар ва истакларни айтдилар.

Ҳозир бўлган кишилар самимий кутиб олган ўртоқ Д. Ф. Устинов нутқ сўзлади.

Нотиқ ўз нутқида Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари ҳал этиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди. Совет кишиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда актив ва кенг иштирок этиш, армия ва флот ёшлари билан ишлаш улар фаолиятининг энг муҳим соҳасидир.

Ўртоқ Д. Ф. Устинов таъкидладики, армия ёки флотда хизматни давом эттираётган ветеранларнинг ҳам, коммунистик қурилишнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ветеранларнинг ҳам, муносиб равишда қарилик гаштини сураётган ветеранларнинг ҳам фаолияти доимий эътибор ва мадад беришни талаб қилади.

СССР Мудофаа министри Совет Қуролли Кучларининг ветеранларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, севикли Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашда янги-янги муваффақиятлар тилади.

СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари бутун кучимиз, билимимиз, тажрибамизни Ватаннинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, армия ва флотнинг жанговар шайлигини ошириш, совет кишиларининг ёш авлодини ватанпарварлик, пролетар интернационализми руҳида, социалистик Ватанни қурол билан ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш ишига сарфлаймиз, деб коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ваъда бердилар.

(ТАСС).

КЎРСАТКИЧЛАР ЯХШИ

ОБЛАСТИМИЗ колхозларида уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар ва хўжалик бинолари қурилиши билан шуғулланаётган «Ташоблколхозстрой» трести бунёдкорлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини яхши якунламоқдалар. Йил бошидан социалистик мусобақани авж олдириш, илғор иш усуллари, айниқса, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашда бригада пудратини қўллаш, бинокорларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг кўрилиши ишни жадаллаштиришга ёрдам бермоқда.

Трест бунёдкорлари ўтган ўн ойлик планни асосий кўрсаткичлар бўйича анча зиёдаси билан адо этдилар. Айниқса, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда катта ютуқни қўлга киритдилар. Йил бошидан бери 29 миллион 755 минг сўмлик пудрат ишлари амалга оширилди. Бу билан йиллик план ҳозирнинг ўзидаёқ 101 процент қилиб адо этилди.

Пешқадам коллектив товар қурилиш маҳсулоти ҳажми бўйича ҳам вақтдан ўзиб ишламоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида бу соҳа бўйича давлат плани 96 процент қилиб адо этилди. Ҳаммаси бўлиб салкам 27 миллион сўмлик товар қурилиш маҳсулоти қўлдан чиқарилди. Улар орасида минглаб квадрат метр уй-жойлар, кўплаб хўжалик бинолари бор.

Трест бинокорлари меҳнат унумдорлигини ҳам жадал ўстирмоқда. Унинг юксалиш даражаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,6 процентни ташкил этди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ортишининг деярли тўртдан уч қисми унумдорликни юксалтириш ҳисобига таъминланди.

М. МАҲМУДОВ.

ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ МАКТАБИ

Тошкент область партия комитети ҳузуридаги журналист маҳорати мактабида янги ўқув йили бошланди. Неча унинг биринчи машғулоти бўлди. Машғулотда шаҳар ва район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимлари мудирларининг ўринбосарлари, шаҳар ва район газеталари редакторларининг ўринбосарлари ва масъул секретарлари қатнашдилар.

Область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев «КПСС Марказий Комитетн 1983 йил июнь Пленуми қарорларини бажариш соҳасида область оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг лектори В. М. Кнопов ҳозирги босқичда халқаро аҳволнинг муҳим проблемалари тўғрисида лекция ўқиди.

«Ташкентская правда» газетаси редакторининг ўринбосари Е. М. Оврутский шаҳар ва район газеталари редакциялари ишини планлаштириш тўғрисида тингловчиларга сўзлаб берди.

Машғулотда матбуот органларига партиянинг раҳбарлик масаласи юзасидан Оҳангарон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири А. Давронов, Калинин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Х. А. Малилов, Ангрен шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари З. А. Ермолина, Оржоникидзе район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Д. А. Хонкелдиева, Паркент район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари А. Н. Минзафаров иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Ш. А. Миралимов машғулотга якун ясади.

Шу куни мактаб тингловчилари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига бордилар.

ЛЕЙПЦИГ ПРОЦЕССИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ТАРИХ САБОҒИ



Георгий ДИМИТРОВ.
Недялко Георгиев (Болгария) чизган расм.

ГЕОРГИЙ ДИМИТРОВнинг номи уни дунёга келтирган, тарбиялаб вояга етказган болгар ишчилар синфи онгидагина, унинг ҳаёти тарихи билан ажралмас ва мангу боғланган болгар халқи онгидагина сўнмас шуҳрат билан бурканган эмас. Георгий Димитровнинг номи жаҳон пролетариати революцион курашининг солномасидаги энг буюк номлардан биридир.

Тодор ЖИВКОВ.

КОММУНИСТ ЖАСОРАТИ

Бундан эллик йил муқаддам, 1933 йил 16 декабрда Лейпциг процессида Георгий Димитров якунловчи нутқини сўзлаган эди. Коммунистларга қарши иғвогарлик мақсадида уюштирилган бу суд-спектакль болгар халқининг содиқ фарзанди Георгий Димитровнинг матонати, марксизм-ленинизм ғояларига садоқати туфайли фашизм устидан суд айланди. Фашист судьялари Г. Димитров ва унг сафдошларини оқлашга мажбур бўлдилар.

АПНнинг София-пресс агентлиги билан ҳамкорликда тайёрлаган ушбу материаллари Лейпциг процессининг 50 йиллигига бағишланади.

ИНСОНИЯТ тарихида эзилган синфлар доҳийларига қарши уюштирилган минглаб суд процесслари бўлган. Бунда ҳақиқий жиноятчилар судьялик қилиб, ўз қилмишларини гуноҳсиз кишиларга ағдарганлар.

Лейпциг процесси ҳатто буржуа юристлари нуқтаи назаридан ҳам қонунчиликни қўпол равишда бузишдан бошланди ва давом этди. Айбланувчилар бирор далилсиз, иғво билан суд жавобгарлигига тортилдилар. Рейхстагга ўт қўйишни ташкил этишда иштирок этган фашист давлати ва партияси раҳбарлари, ҳатто, жиноятчилар гувоҳликка ўтдилар. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, оддий жиноятчилар бу давлат ва партия раҳбарларидан маънавий жиҳатдан устун турардилар. Чунки, Рейхстагга ўт қўйганлар ўз қилмишлари учун жавобгарликка тортилмадилар, бунинг устига улар шерикларини йўқ қилиш мақсадида янги жиноятларга қўл урдилар.

Нацистлар давлати ва партияси раҳбарлари томонидан қилинган бу ўта мудҳиш иғвогарликдан муайян сиёсий мақсад кўзланган эди. У ҳам бўлса коммунистик ҳаракат, жумладан, Германия Коммунистик партиясига бўҳтон ёғдиришдан иборат эди. Георгий Димитров жиноятчилар кўзлаган ҳақиқий мақсадларни очиб ташлади, у бу судни фашизмни айблаш процессига айлантирди.

Коммунистик таълимотнинг матонатли ҳимоячиси бўлган Г. Димитров гувоҳлар кўрсатмаларидан фойдаланиб, бутун процесснинг сохталигини фош этди. Бош айбдор шафқатсиз айбловчига айланди. Г. Димитров бу иғвогарликни ташкил этилиши тўғрисидаги барча далилларга эга бўлмаса ҳам Рейхстагга ўт қўювчилар мақсадларини тўғри кўрсатиб бера олди.

Маълумки, бу иғвогарлик фашист режимига «Халқ ва давлатни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги мудҳиш қонунни қабул қилиш имкониятини берди. Оқибатда Веймар конституциясида қайд этилган барча асосий ҳуқуқлар бекор қилинди.


Рейхстагга ўт қўйилган кундан бошлаб 5 минг коммунистнинг қамоққа олиниши, социал-демократлар ва буржуа демократларининг қувғин қилиниши фашистлар иғвогарлигининг мақсадини очиқ-ойдин кўрсатди.

Айбланувчи Георгий Димитров чуқур, асосли мантиққа таяниб, иғвогарларни номма-ном айтиб берди. Геринг ва Геббельс давлат ҳокимияти обрў-эътиборини кўрсатиш мақсадида судга тантанавор ҳолда келган эдилар. Бироқ, бу ердан улар бутун сирлари фош этилган ҳолда чиқдилар. Айбловчилар айбланувчилар ҳолатига тушиб қолди.

Фашизм билан очиқ жанг олиб борган Георгий Димитров фақатгина суд олдидагина эмас, шунингдек, бутун жаҳон олдида ҳам у ишчилар синфи, Коммунистик партия ғоялари ва мақсадларини ҳимоя қилаётганлигини қатъий ҳолда равшан қилиб айтди. Ишчилар синфини озод қилиш учун буюк кураш йўли вайроналар орқали ўтмайди. Аммо, ўт қўйилган Рейхстагдаги аланга реакцион буржуазиянинг террорчи ҳокимияти сўзсиз ҳалокатга учрашини очиқ-ойдин кўрсатган эди.

Я. РАДЕВ,
болгар академиги.





● **ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводида мис қуймалари тайёрлаш цехининг иккинчи навбатини монтаж қилиш ниҳоясига етказилятти. «Алмаликсваннецстрой» трестининг 344- ва 345-кўчма механизациялашган колонналари мис саралаш фабрикасида янги майдалаш-бойитиш комплекси қурилишини бошлаб юбордилар. Уларни 1984 йилнинг охирида ишга тушириш кўзда тутилган.**

Суратларда: (чапдан ўнгга) колоннанинг бетончилари — Йўлдош Каримов, Владимир Каширин ва Холмат Қурбоновлар (юқорида); қурилиш участкаларининг бирида (ўнгда).

А. Кошкин фотоси.
(ЎзТАГ).

*

КОНФЕРЕНЦИЯДАН КОНФЕРЕНЦИЯГАЧА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА — ЕТУК МУТАХАССИСЛАР

ХАЛҚЛАР дўстлиги орденли Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти ҳаётида кейинги уч йил давомида катта ўзгаришлар рўй берди. Институт коллективи ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот ишларини яхшилашда ажойиб ютуқларни қўлга киритди ва Тошкент шаҳар партия конференциясига муносиб совғалар ҳозирлади. Конференциядан конференциягача бўлган даврдаги ўсиш ва улғайишлар ҳақида институт партия ташкилоти секретари И. А. ЛИВЕРКО шундай ҳикоя қилади:

ИНСТИТУТИМИЗ коллективи Тошкент шаҳар партия конференциясини ёруғ юз билан кутиб олмоқда. Ўтган давр мобайнида ҳаётимизда муҳим воқеалар рўй берди. Йил бошида институт партия комитетига район партия комитети ҳуқуқи берилди. Коммунистлар билдирилган бу ишончга жавобан масъулиятни яна ҳам чуқурроқ ҳис этган ҳолда меҳнат қилишга, олиб борилаётган ғоявий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришга интилмоқдалар.

Ўтган уч йил КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга оширишда муҳим босқич бўлди. Илм-фанни камол топтиришда партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган ғамхўрликлар бу даврда яна ҳам яққолроқ кўзга ташланди. Илгарилари Бухоро шаҳрида институтимизнинг кичкина филиали бўлар эди. Шу филиал эндиликда технология институтига айлантирилди. Қарши чўлида бунёд этилган Муборак шаҳрида эса янги филиал очилди. Бу ерда икки йилдирки, кундузги ва кечки бўлимларда студентлар билим олмоқда. Эндиликда республиканинг барча саноат марказларида институтимиз филиаллари ва кечки факультетлари бор. Уларда неча минглаб ёшлар инженерлик касбини эгалламоқдалар.

Институтимиз фақатгина республика халқ хўжалиги учун эмас, айни пайтда чет давлатлар учун ҳам етук мутахассислар тайёрлаб беряпти. Қисқа вақт ичида Осиё, Африка, Лотин Америкаси қитъасидаги 27 та мамлакатга мингдан ортиқ инженер тайёрлаб бердик. Интернационал бурчга садоқатимиз дўстлар томонидан муносиб баҳоланмоқда. Ўтган йили институт коллективига Вьетнам Социалистик республикасининг «Дўстлик» ордени тақдим этилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда 68 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрламоқдамиз. Бу йилги ўқув охирида биз 100 мингинчи инженерни маълум қиламиз. Институтимиз ташкил топгандан бери ўтган ярим аср мобайнида халқ хўжалигига қарийб 100 минг мутахассис етказиб берганлигимиз билан фахрланамиз. Фақат шу йилнинг ўзида институтимизни тамомлаб чиққан йигит-қизлар мингдан ортиқ адрес бўйлаб меҳнат қилгани жўнаб кетдилар.

Институтимиз коммунистлари, барча олимлари ўқув-тарбия ишларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Ўтган ўқув йилида студентларнинг ўзлаштириши анча яхшиланди. Уларнинг чорак қисми яхши ва аъло баҳолар билан ўқимоқда. Қониқарли баҳо олаётганлар эса қарийб 15 процент камайди. Улар ҳам илғорлар сафига қўшилдилар.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида институт партия комитети, барча цех партия ташкилотлари ёшлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ватанпарварлик ва интернационал тарбияга эътибор сезиларли даражада кучайди. Бу соҳада ижтимоий касблар факультети коллективи амалга ошираётган ишлар айниқса яхши самара беряпти.

Бу йил институтимизга 8,5 мингдан ортиқ студент қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги Совет Армияси сафида хизмат қилиб келган, ишлаб чиқаришда бой тажриба тўплаган йигит-қизлардир. Дастлабки йилларданоқ улар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқдамиз. Ёшларимиз пахта йиғим-теримида актив иштирок этмоқдалар, топширилган барча топшириқларни сўзсиз бажаришга интилмоқдалар.

Илмий-тадқиқот ишларини кенгайтиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Ҳозир хўжалик шартномаси бўйича 5 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажариляпти. Институтда 3 та проблемали, 9 та тармоқ, кўплаб кафедра лабораториялари ишлаб турибди. Ўз ҳисоблаш марказимизга, китоб фондига бой кутубхонамизга эгамиз. Яратилган бундай шароитлар илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишга ёрдам беряпти.

Биз республикадаги кўпгина саноат корхоналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Корхона мутахассислари ва олимларимиз ўртасидаги алоқа йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Айни пайтда Ўрта Осиё республикаларидаги ва қардош социалистик мамлакатлардаги корхоналар билан яхши алоқалар боғлаяпмиз. Ўзаро ҳамкорлик туфайли ишлаб чиқаришни бошқариш такомиллашмоқда, иш сифати ва самарадорлиги ошмоқда.

Тошкент шаҳар партия конференцияси илм-фанни бундан буён ҳам янада тараққий эттиришнинг конкрет йўлларини белгилаб беради. Конференцияда қабул қилинадиган қарорлар коллективимиз учун ҳаракат программаси бўлиб қолади.

ИЛҲОМБАХШ НАМУНА

● **СИЗНИНГ ўзингизни жуда матонатли тутишингиз бизнинг Сизни озод этиш учун қилган куч-ғайратларимиздан ҳам устун бўлди. Узингизни бундай тутишингиз бутун жаҳон кишилари қалбини тўлқинлантириб юборди. Бундан қўрққан душманлар чекинишга мажбур бўлдилар.**

Ромен РОЛЛАН,
Франция.

* * *

● **ҲАР БИР киши Димитров бўла олмши мумкин эмас. Лекин ҳар бир киши ундан ўрганиши мумкин.**

Анна ЗЕГЕРС,
ГДР.

* * *

● **СЕНИНГ ҳаётинг тирикилар ва бўлажак авлодлар кураши ва ғалабаларининг ёдгорлигига айланди. Сен фақат инсонлар хотирасидагина эмас, бронза ва тошдан ясалган ҳайкалларда, китоб ва расмларда, шаҳарлар номларида, қўшиқларда ҳам яшайсан. Болгариянинг барча ўғил ва қизлари сен билан доимо фахрланадилар.**

Александр ДОВЖЕНКО,
СССР.

* * *

● **ҚАМОҚДА бўлганимда ҳам, судда ҳам Димитровнинг ғолибона кураши мен учун битмас-туганмас куч-ғайрат ва руҳланиш манбаи бўлди.**

Анжела ДЭВИС,
АҚШ.

АЙБЛАНУВЧИ АЙБЛАЙДИ

МЕН Георгий Димитровнинг намунаси, унинг 1933 йилда Лейпциг процессида сўзлаган нутқи дунёқарашимизни шакллантиришда чуқур из қолдирган авлодга мансубман. Бу инсоннинг айбловчилар олдидаги матонати миллионлаб кишиларда жуда катта таассурот қолдирди. Димитровнинг фашистлар иғвогарлигига қарши олиб борган кураши шундан кейинги тарих учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли бизнинг бу жасоратни ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳам Димитров ёш авлод учун матонат ва қатъий ирода намунаси сифатида қолади.

...Гитлер ҳокимият тепасига келган. Рейхстаг аланга да. Коммунистлар айбланувчилар курсисида. Улар орасида болгар муҳожири, Болгария Компартияси раҳбарларидан бири ҳам бор. Аммо бу ерда мўъжиза рўй берди: Димитров айбланувчидан айбловчига айланди. Фашистлар иғвогарлигининг чуви чиқади...

Лейпциг процесси ва у билан боғлиқ воқеалардан бизнинг ҳар биримиз кўплаб сабоқ олишимиз мумкин.

Ўша пайтдан буён ўтган ўнлаб йиллар давомида қамоқларга ташланган, адолатсиз суд қилинган минглаб курашчилар Димитровни ёдга оладилар. Унинг намунаси бу курашчиларни матонатга, душманларга қарши курашга, дарҳол ҳужумга ўтишга ўргатди. Унинг намунаси инсон ўз халқи, бошқа мамлакатлар меҳнаткашларининг уни қўллаб-қувватлаётганликларини ҳис этса, қамоқхонанинг бир кишилик бўлимида ҳам якка эмаслигини сезишга ўргатди. Бу ҳис-туйғу адолат учун курашчига куч-ғайрат бағишлайди.

Рейхстагга ўт қўйилиши билан бошланган иғвогарлик халқаро реакция ўзи қилган жиноятлар учун масъулиятни бегуноҳларга ағдаришга доимо ҳаракат қилиб келганлигига ёрқин мисол бўла олади. Тарихда бундай воқеалар кўп бўлган. Улардан энг сўнггиси АҚШнинг Гренадага қарши қуролли интервенциясидир. Бу босқинчилик шарм-ҳаёсиз гўё гренадаликлар хавфсизлигини ҳимоя қилиш баҳонасида амалга оширилди.

Ўта учига чиқаётган антисовет ва антикоммунистик жазавани ҳам иғвогарликда бошқа нарса деб атаб бўлмайди. Бу иғвогарликни ҳаққий вақтида Димитров қилганидек, бутун қатъият ва жўшқинлик билан ичига фош этиш зарур.

Лейпциг процесси хавф қанчалик даҳшатли бўлмасин ундан чекинмасликка ўргатади. Бу ҳозир, ер курраси устида энг даҳшатли хавф — ядро уруши хавфи кучаяётган пайтда ғоят муҳимдир. Баъзи пайтларда «Биз нимани ўзгартиришимиз мумкин? Ахир ҳамма нарсани ҳукмронлар ҳал қиладилар» деган сўзларни эшитиш мумкин. Лейпциг процесси эса бизнинг ҳар биримизнинг фаол ҳаракатимиз жуда муҳимлигини кўрсатди. Ирмоқлар қўшилиб, жўшқин дарёларга айланганидек, биргаликдаги ҳаракатларимиз ҳам қудратли кучга айланиши мумкин.

Димитров ўзига ҳимоячи сифатида таклиф этмоқчи бўлган юристлар орасида французлар, шу жумладан, Марсель Вийяр бор эди. Мен уни яхши билардим. Эллигинчи йилларда у коммунистларга қарши иғвогарлик мақсадида уюштирилган судда уларнинг адвокати бўлганди. Суд мажлисларининг бирида у судьяларга мурожаат этар экан, тўлқинланиб «Сизни ҳимоя айблайди!» деган эди. Кейинчалик ёзган китобини ҳам шундай деб атади.

Димитров ҳам айбланувчидан айбловчига айланган эди.

Андре СТИЛЬ,
француз ёзувчиси.

ҲАМРОБОЕВ НОМИДА ЯНГИ МИНЕРАЛ

Минерал — ер қобиғида кимёвий жараёнлар воситасида элементларнинг бир-бири билан бирлашиши натижасида пайдо бўладиган маҳсулот. Бинобарин, ер қобиғидаги турли тоғ жинслари ва фойдали қазилмалар минераллардан ташкил топгандир. Ҳозирги кунгача сайёрамизда топилган ва ўрганилган минераллар сони 6 мингдан ошиб кетди.

Яқинда Москвадан Тошкентга хушхабар келди. Бу хабар сайёрамизда яна бир янги минерал топилганлиги ҳақидадир.

Ёз ойларининг бирида Ўзбекистон ССР Геология министрлигига қарашли экспедициянинг геолог ходими Рустам Юсупов Шарқий Ўзбекистонда кенг тарқалган ва бундан 250—275 миллион йил муқаддам отилиб чиққан вулқон маҳсулотларини синчиклаб ўрганар эди. У олган намуналарда номаълум минерални учратиб, текширди. Кашфиётчи минералнинг янгилигига ишончи комил бўлгач, мазкур намунани Москвага — СССР Фанлар Академиясининг Рудали конлар петрография ва минералогияси институтига юборди. Бу ерда М. И. Новгородова ва бошқа илмий ходимлар мазкур тошни ҳар тарафлама ўрганиб, унинг янгилигини тасдиқладилар.

Янги минерал ҳақидаги маълумотлар Канаданинг Торонто шаҳрида жойлашган янги минераллар ва уларнинг номлари бўйича Халқаро минералогия жамиятининг махсус комиссиясига юборилди. Комиссия аъзолари кўпчилик овоз билан Ўзбекистонда топилган минералнинг янгилигини эътироф этдилар. Унга Ўзбекистон геологияси ва фойдали қазилмаларининг билимдони, Ленин мукофоти лауреати Иброҳим Ҳамробоевич Ҳамробоевнинг номи берилди: минерал хамрабаевит деб аталди.

Янги кашф этилган минерал титан билан углероднинг бирикмаси бўлиб, юксак катталикка ва зичликка эгадир. Кашфиёт муаллифининг фикрича, бу минерал ер қобиғи остидаги эллигинчи километрдан 2900—километр оралиғида жойлашган мантия қатламидан қалқиб юзага чиққан. Минералнинг ҳозирги ҳолати яна мантияда содир бўладиган физик—кимёвий шароитлардан бир даракчи сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Сайёрамизда янги топилган минералга Ўзбекистондаги геолог олим И. Ҳ. Ҳамробоевнинг номининг берилиши, олимнинг геология соҳасидаги хизматларини илмий жиҳатдан халқаро миқёсда тан олиниши, десак хато қилмаган бўламиз. Бу қувончли воқеа билан республикамиз геологлари ҳақли равишда фахрлансалар арзийди.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог.

НАВБАТ — МАЖБУРИЯТГА

Оҳангарондаги «Стройпластмасса» комбинати касаба союз комитетининг раиси Р. К. Дилдина социалистик мусобақа ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда юксак самара бераётганлигини завқланиб гапирарди. Рафина Кириловна меҳнат белашувининг пешқадамлари, мусобақанинг янги формалари ва улар туфайли қўлга киритилган ютуқларни бирма-бир тилга ола бошлади.

— Қуюв цехидан коммунист Карима Исоқова ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истар эдим,—дейди Р. Дилдина. — Бу илғор ишчи топшириқларни мунтазам орттириб олиш адо этяпти. Ўтган ойнинг ўзида у шахсий планни 121 процентга етказиб бажарди. Бу ой эса ўтган ойги рекорддан ҳам ўзишга кутиляпти. Шунингдек, комсомол аъзоси Венера Хайруллина, Любовь Узенёва, Евгения Ҳалимова сингари ўз ишининг жонкуярлари ҳам барчага намуна бўлмоқдалар.

Дарҳақиқат, илғорлар намунаси яхши самара беряпти. Улар барчани зарбдорларча меҳнат қилишга даъват этишлари туфайли қуюв цехида йиллик план муддатидан илгари — 7 сентябрда шараф билан бажарилган эди. Шу давр ичида 1 миллион 955 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Эндиликда эса улар оширилган социалистик мажбурият ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Шунга кўра йил охиригача аҳолига жами 3 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари етказиб берилади.

Т. ЖУМАНОВ.

УСТОЗЛАР КЎМАГИДА

ПОЙТАХТ область кўз касалликлари шифохонасида ташкил этилган кўз банки ҳақида илгари хабар қилган эдик. Бир йилдан кўпроқ вақт ўтдики, медицинадаги бу усул ўзини оқламоқда, у даволаш жараёнини тезлаштиришдан ташқари, ташқи кўринишдаги кўркни ҳам сақлайди. Эндиликда бу тажриба республикамизнинг Фарғона, Кашқадарё областларининг касалхоналарида ҳам оммалашди.

—Офтальмология соҳасида янгиликларни дадил қўллашимизда бизнинг Москвадаги кўз микрохирургияси илмий-тадқиқот институти, Куйбишев шаҳридаги медицина институти офтальмология кафедраси, Бутуниттифоқ кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорлигимиз муҳим роль ўйнамоқда, — дейди касалхона бош врачи З. Сидиқов, — бу муассасалардаги етук олимлар, мутахассислар бизган маслаҳатларини ва ёрдамларини аямаяпти.

Устозлар ёрдами туфайли келгусида бошқа областлар шифохоналарида ҳам кўз банклари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

С. ВАЛИЕВ.

60 ДАН ОШДИ


ЎТГАН ЙИЛИ бригадамизда ҳар гектар ердан 60 центнердан ошириб ҳосил олинган эди. Бу йил эса эрта баҳорданоқ мавжуд 73 гектар ерга барака уруғини қадаган аъзоларимиз бир овоздан 65 центнердан ҳосил олиш учун астойдил ҳаракат қилишларини билдиришди. Бироқ, эрта баҳорнинг қурғоқ келиши, шундан кейинги сурункали ёғингарчиликлар ишимизни анча мушкуллаштирди.

Ана шу қийин дамларда ҳам бригада аъзоларининг ҳеч бири бу йилги маррани қайта ўйлаб кўриш тўғрисида оғиз очгани йўқ. Яъни ҳар ким ўз сўзида қатъий турди. Оғир дамларда барча кучни ғўза парваришига қаратдик. Ўт босган карталар зудлик билан тозаланди. Культивация ишлари ўз вақтида сифатли ўтказилди. Ғўзаларни қондириб суғориш яхши йўлга қўйилди. Айниқса, сувчиларимиздан Ҳаким Азимов, Сайтқул Турдиқулов ва Саидқул Қўлдошевлар алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди.

Кузга келиб эса пахтазоримизни кўриб кўнглимиз қувнаб кетди. Чунки биз мўлжалдаги маррани эгаллашга етарли даражада ҳосил тўплаган эдик. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 60 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олишга эришдик. Коллективимизнинг бу ютуғига теримчилардан Нуриниса Нурматова, Ҳадича Хатамова, Азима Павлова, Майрам Камолова ва Ҳидоят Мадумарова сингари аъзоларимиз ўзларининг муносиб улушларини қўшишди.

Биз келгуси йилга тайёргарлик ишларини ҳам кучайтириб юбордик.

Б. ОТАХОНОВ,
Бекобод районидаги «Далварзин» совхози бригада бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган пахтакор, «Оқ олтин» мукофотининг лауреати.



● **ҒАЛАБА районидаги Энгельс номли колхозда етти йилдан буён зотли сигирларнинг бузоқлари боқилиб, хўжаликларга етказиб берилмоқда. Бу эса районда моллар наслини яхшилашда катта роль ўйнаётир. Айни кунларда хўжалик фермасида 1600 бош бузоқ парвариш қилинмоқда. Хўжаликнинг илғор бузоқбоқари Анна Шаповалова ўттиз йилдан буён шу ерда фидокорона меҳнат қилиб келади. У қарамоғидаги 70 бош бузоқчаларни яхши боқиб, кунига 600 граммдан семиришини таъминламоқда.**

Суратда: мусобақа пешқадами А. Шаповалова иш устида.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

Маҳтумқули таваллудининг 250 йиллигига

МУТАФАККИР ШОИР

УЛУҒ туркман шоири ва мутафаккири, туркман адабий тили ва ёзма адабиётининг асосчиси Маҳтумқули таваллудининг 250 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Шоир ўзининг теран фалсафий асарлари билан аллақачон Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам севимли шоирига айланиб қолган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Маҳтумқули овулдаги мактабни битиргач, билимини ошириш мақсадида Мовароуннаҳрнинг Бухоро, Самарқанд, Марғилон каби шаҳарларини кезиб чиққан. Аммо мадраса таҳсилини олиш унга Хива шаҳрида насиб этади. Маҳтумқулининг отаси, машҳур шоир Давлатмамад Озодий ҳам шу ерда бўлган эди. У мадрасада диний китобларни мутолаа қилиш билан чекланиб қолмай, Шарқ классик шеъриятини ҳам мустақил равишда қунт билан ўрганади.

Хивадаги уч йиллик турмуш Маҳтумқули ҳаёти ва ижодида ўчмас из қолдирди. Бу вақтда у бир қанча шеърлар ёзиб, эл орасида танилиб қолган эди. Шоир талабалик йилларида Хоразмнинг бой ва ранг-баранг тарихи, маданияти ва адабиётини чуқур ўрганди, бу ерда кўплаб дўстлар орттирди.

Халқнинг ташвиш изтиробларини, унинг бой ва теқинхўр золимларга қарши курашига ҳамнафаслик Маҳтумқули шеъриятини оддий кишилар орасида машҳур бўлишида муҳим роль ўйнади. Маҳтумқули ижоди инқилобгача бўлган туркман адабиётининг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этибгина қолмай, ундан кейин етишиб чиққан кўпгина ажойиб шоирлар учун илҳом манбаи ва маҳорат мактаби бўлди.

Эрон шоҳининг босқинчилик ҳаракатлари, Бухоро амири ва Хива хонлигининг қонли ҳуружлари туркман уруғ ва қабилалари ўртасида муттасил давом этган зиддиятларни тағин ҳам чуқурлаштирарди. Бу халқнинг босқинчиларга қарши елкама-елка туриб курашини заифлаштирди.

Ватан, халқ Маҳтумқули учун дунёдаги энг муқаддас тушунчалар эди. Шоир ўз қисматини халқ тақдири билан бир бутунликда деб билди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир киши Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун бирлашиши ҳамда бу эзгу мақсад йўлида қурашиши лозимлигига даъват этди.

Маҳтумқули шеърияти Улуғ Октябрь инқилоби ғалабасидан кейингина чинакам маънода туркман халқининг маънавий мулкига айланди. Октябрнинг серёғду қуёши уларга шоир орзу қилган халқ озодлиги ва фаровон ҳаёти учун кенг имкониятлар яратиб берди. Маҳтумқули ижоди халқ шоирлари ва санъаткорлари учун улкан мактабга айланди. Кўпгина хоразмлик ҳофизлар Маҳтумқули шеърларига куй басталаб, бу қўшиқларнинг ўзбек халқи орасида ҳам оммалашишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шоирнинг танланган асарлари ва шеъриятидан намуналар ўзбек тилида бир неча бор нашр этилиб, китобхонлар маънавий оламининг бойишида муҳим роль ўйнаган.

Она юртга чексиз меҳр-муҳаббатни тараннум этган Маҳтумқули шеърияти ўзининг ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳалқларнинг тинч-тотув яшаши ва келажакка ишонч ғоялари билан ҳар бир совет кишисининг қалбига яқин бўлиб, у шоирнинг бетакрор истеъдоди ва ажойиб асарларининг умри боқий эканлигидан далолат беради.

Ғ. РУСТАМОВ.

БУ КОЛХОЗГА БИР КЕЛИНГ...

Яқинда хизмат тақозоси билан областимизнинг колхозларидан бирида бўлдик.

— Колхозимиз ҳам, колхозчиларимиз ҳам бой,— деди раис, йўл-йўлакай.— Ҳар йили 2 миллионга яқин даромад қиламиз. Яхши ишлаган колхозчи йил оҳирида 2,5—3 минг сўмдан ошириб ҳақ олади. Кўриб турганингиздек, кўпчиликнинг тагида машина, катта-катта тўйлар қилишяпти.

Енгил машинамиз ранги ўчиб кетган бир қўш тавақа ди эшик олдига келиб тўхтагач, мезбон — боя биз билан суҳбатлашган чорвадор уйга таклиф қилди. Кирдик. Ҳовлида яшил ранг эскироқ «Москвич» турарди.

— Қўрдингизми,— жилмайди раис,— оилаларимизда бир эмас, иккитадан машина.

Уй бекаси шоша-пиша ҳонтахта келтирди. У дастурхон ёзар экан биз беихтиёр атрофни кузатдик. Шифтлардан ҳамон қамишлар осилиб турипти. Сомон сувоқли деворга қоқилган михларга кийимлар илинган. Нариги хонада болалар ерга энгашганча дарс тайёрлашяпти. Тузукроқ мебель кўринмайди.

— Иморатнинг иши қийин экан,— деди уй эгаси атрофга қараётганимизни кўриб.— Битта ғишт қўйишга юрагимиз безиллаб қолибди. Бунинг устига ҳавасли дунё эмасми, машиналар олиб қўйдик.

— Э, илғор бўлганингдан кейин машиналарни сен олмай ким олади,— деди раис гапни бошқа томонга буриб.— Уй ҳам бўлиб кетади.

Шу воқеа сабаб бўлиб ҳозирги ҳаётимиз, турмушимиз, маданиятимиз ҳақида чуқурроқ ўйлашга тўғри келди. Ҳаммамизга маълумки, шу йил июнь ойида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Унинг қарорларида кишилар турмуш тарзи масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов: «...турмуш даражаси тушунчаси кенг ва бойдир. Кишиларнинг онглилиги ва маданиятини, шу жумладан турмуш маданиятини, ҳулқ-атворини доимий ўстириш ҳам ва айтишим мумкинки, оқилона истеъмол маданияти ҳам турмуш маданияти тушунчасига киради», деди.

Шу муносабат билан раснинг колхоз ва колхозчиларнинг бадавлатликлари ҳақидаги гапларини жиддийроқ таҳлил қилиб кўрайлик-чи. Гап шундаки, пул етарли, даромад мўл бўлса-ю, бу маблағдан ўз ўрнида фойдаланилмаса қилинган меҳнатнинг қадр-қиммати ҳам билинмай кетади. Ҳар бир меҳнат қилган одам пул топишга топади-ю, лекин жойига сарфлайдими? Енгил машина сотиб олаётганларнинг сони йилдан-йилга ошиб боряпти. Афсуски, кўп жойларда мусобақа ғолибларига енг яхши мукофот машина деб тушунилмоқда.

Тўғри, ҳозир ҳар бир оилада машинага эҳтиёж катта. Бунинг устига енгил машиналарни ишлаб чиқариш кўпайяпти. Бироқ, машина билан мукофотланган ана шу илғорларнинг ҳаммасида ҳам айни пайтда машина сотиб олиш учун зарурий эҳтиёж бормикан? Ҳозирги давр талаби асосида маданий яшаш учун бошқа мухимроқ шарт-шароитлар, чунончи; уй-жой, рўзғор буюмлар етарлимикин? Маданий турмуш учун зарур бўлган ҳамма нарса борми? Нима бўлса ҳам машиналик бўлиш ҳозир «мода»га айланиб қолмаяптимикин!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

Кўпинча мукофотга берилгандан кейин ҳар ким ҳам ўз имкониятини ҳисобга олмай қарз-ҳавола қилиб машиналик бўлишга ҳаракат қилади. Очиғини айтганда айрим мусобақа ғолиблари янги машина миниб юришади-ю, оилада маданий яшаш учун энг оддий шароитларни яратишга эътибор беришмайди. Уй-жой, туриш-турмуш, жиҳозлар, рўзғор турмуш тарзи ҳамон эскича. Шундай машиналикларнинг уйига кирсангиз ақалли оддий столстуллар йўқ. Гилам, наматлар қўш-қўш қилиб, духоба кўрпалар билан тахмонга босиб қўйилади. Ҳатто ҳонтахтаси ерда ўтиришади.

Тошкентнинг йўлдош шаҳарчаси чегарасида Оржоникидзе номли колхоз бор. Кенг, текис кўчанинг икки четига турнақатор оппоқ уйлар тизилиб кетган. Бу уйларнинг айримлари пештоқига илинган тахтачаларда қайси донгдор механизатор, қайси илғор сувчи ёки оддий деҳқон яшаши чиройли қилиб ёзиб қўйилган.

— Колхозчиларимизнинг қандай меҳнат қилишаётганини хўжаликда ҳамма билади,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Собир Айтубоев.— Буни меҳнонларимиз, кўчадан ўтадиган ҳар бир киши билса бошқачароқ бўлади. Ўша илғорга нисбатан ҳурмати ортади.

Колхозда фахрланса арзийдиган ишлаб чиқариш новаторлари кўп. Районда хотин-қизлар орасида биринчи механизатор Ирисгул Жуманалиева, Ленин ордени кавалери тракторчи Ҳайитбой Обидов, ҳар йили помидордан бутун областда рекорд ҳосил етиштириб келаётган Турсунали Охунов каби деҳқонлар кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар.

Бу ерда ёшларни колхозчилар сафига қабул қилиш, туғилган кунларни нишонлаш, армия сафига, кексаларни пенсияга кузатиш сингари тадбирлар ўтказиш анъанага айланиб қолган. Гарчи булар оддий ҳаёт маросимидек туюлса ҳам бироқ ана шуларнинг замирида кишиларда ўз меҳнати, коллективи билан фахрланиш фазилатларини камол топтириш, уларни онгли ишга ўргатиш учун жон куйдирилаётганлигини пайқаб олиш қийин эмас.

Тўғри, фаровон ҳаёт кечириш учун аввало моддий таянч бўлиши керак. Лекин ана шу таянч вужудга келсаю, бироқ ундан ўз ўрнида оқилона фойдаланилмаса, буни бизнинг совет турмуш тарзимизга хос яшаш деб бўлмайди. Афсуски, ҳамон айрим кишилар тўкликка шўхлик қилмоқдалар.

Кўчада тўртта қўшни эркак йиғилса, қўпинча дарров енгил автомашинадан, тўрт аёл йиғилса, албатта, ҳар кийимлиги юз сўмдан ортиқ турадиган кўйлаг-у, тилла узукдан гап очишади. Негадир ҳаётимизнинг маънавий қирралари тилга олинмайди. Ким қандай китоб ўқиди? Уй-рўзғор юритиш маданиятимиз қандай? Булар борасида кам сўзлаймиз.

Айрим жойларда мусобақа ғолибларини аниқлаётганда ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлари ҳисобга олинади-ю, бироқ ана шу илғорларнинг шахсий ҳаётга, оилага муносабатлари, қолаверса яшаш жойидаги обрў-эътибори назардан четда қолдирилади. Ҳозир тарбияга комплекс ёндошиш тўғрисида гап кетаётган экан, бизнингча, мусобақа ғолиблари ҳар томонлама намуна бўлишлари керак.

Яна бир масала. Биз ишлаб чиқариш илғорлари, новаторларини кўп мақтаймиз. Лекин негадир шахсий турмушда намуна бўлаётганлар ҳақида камроқ гапирамиз. Оила — жамиятимизнинг энг муҳим бўғини, ажралмас бўлаги экан, совет турмуш тарзимизга мос яшаётганлар ҳаётини, бошқачароқ айтганда тажрибасини ҳам ишлаб чиқаришдаги тажриба каби оммалаштиришнинг аллақачон вақти келди.

А. ҲАТАМОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ҲАММА УЧУН ҚУЛАЙ

Бундан бир неча йил бурун Тошкент шаҳрининг Олой бозорида савдо хизмати бюроси ташкил этилган эди. Бу бюронинг асосий вазифаси меҳнаткашлар келтирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улгуржи сотиб олиш ва бозорда реализация қилишдан иборатдир. Янги хизмат тури меҳнаткашларга катта қулайлик туғдиради. Чунки, улар боғлари, томорқаларида етказган ноз-неъматларни кун бўйи сотиб ўтиришга вақтлари бўлмайди. Ўзлари етиштирган маҳсулотларни бозорга нисбатан бироз арзон нархда бюро хизматига топширадилар. Ана шу сотган моллари пулига хоҳласалар белгиланган магазиндан камёб молларни оладилар. Шуни ҳам таъкидлаб айтиш керакки, бундай усулда сотиб олинган сабзавот ва мевалар бозор нархига нисбатан бир мунча арзон бўлади. Демак, савдо хизмати бюроси сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам қулайликлар яратади.

Бу йилдан бошлаб бундай усул пойтахтнинг Октябрь, Фарҳод бозорларида ҳам қўлланила бошланди. Шу йилнинг ўзида меҳнаткашлар ўз шахсий томорқалари, боғларида етиштирган 300 тоннадан кўп ноз-неъматни бозорларда жойлашган савдо хизмати бюросига топширдилар. Бу эса бозорда сабзавот ва мевалар нархини арзонлашишига бир мунча таъсир кўрсатмоқда. Келаси йилдан бошлаб шаҳардаги бошқа бозорларда ҳам савдо хизмати бюросини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Б. СОЛИҲОВ.

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● **ШАХМАТ.** Г. Каспаров финалга чиқиши учун ярим очко олса кифоя қилади. У В. Корчной билан ўтказилаётган ярим финал баҳсининг ўнинчи партиясида дуранг натижага эришди ва ҳисоб 6:4 бўлди.

Тошкентда спорт мастери нормативи учун эркаклар ва аёллар ўртасида Бутуниттифоқ турнири давом этмоқда. Беш турдан сўнг москвалик С. Смагин 3,5 очко тўплаб пешқадамлик қилмоқда. Унинг ҳисобида битта кечиктирилган ўйин ҳам бор. Тошкентлик Т. Воҳидов ҳам 3,5 очко тўплади. Аёллар баҳсида қизлар ўртасида жаҳон чемпиони чирчиқлик Ф. Ҳасанова уч имкониятдан уч очко тўплади. Ереванлик Л. Куликовада ҳам 3 очко бор.

● **МОТОПОЙГА.** Олмалиқда мотопойга бўйича Тошкент область чемпионати бўлиб ўтди. 200 га яқин пойгачи стартга чиқди. Киров район спорт техника клуби вакиллари команда ҳисобида биринчи бўлишди. Оҳангаронликлар иккинчи, Ҳамза район спортчилари учинчи ўринни олдилар.

● **ВОЛЕЙБОЛ.** Аёллар ўртасида республика чемпионати давом этмоқда. Навбатдаги турда Самарқанднинг «Кенаф» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган Тошкентнинг «Меҳнат резервлари» волейболчилари уч ўйинда ғалаба қозониб, чемпионликка даъвогар бўлиб турибдилар.

● **ФУТБОЛ.** 1984 йилнинг дастлабки расмий ўйинлари 18 февралда бошланади. Шу куни биринчи лига вакиллари ва иккинчи эшелон ғолиблари СССР кубогининг 1/32 финалида учрашадилар. Биллур совринининг навбатдаги босқич ўйинлари 22 февралда бўлади ва баҳсга олий лига вакиллари ҳам қўшиладилар. Нимчорак ўйинлари 26 февралда, чорак финал ўйинлари 2—3 мартда ўтказилади. 6 июнда ярим финал ўйинлари, 24 июнда финал матчи ўтказилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Мультфильмлар. 10.05 — Концерт. 10.35 — «Ака-ука Риколар». Бадиий фильм. 1 ва 2-серийлар. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Москва комсомолининг ишлари». 16.30 —«Эртак ҳузурида меҳмонда». 18.20 — К. Дебюссе. «Образлар». 18.45 — «Сиз яратган бог». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Илиқ денгиздаги муз». Бадиий фильм. 20.40 — Фигурали учиш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 21.30 — «Время». 22.00 — Хоккей бўйича халқаро турнир.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.40 — Тарих. 10.00 ва 14.35 — Инглиз тили. 10.30—Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — «Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида». 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Ҳозирги замон прозасининг навқирон қаҳрамони. 13.10 — Ботаника. 13.30 — Ўқитувчига музика сабоғи. 15.05 — Совет тасвирий санъати.15.40 — Музикали кўрсатув. 16.25 —Антуан Де Сент Экзюпере ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Хоккей бўйича халқаро турнир. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, киччинтойлар». 20.45 — Драматургия ва театр. 21.30 — «Время». 22.00 — «Узимизники». Бадиий фильм. 23.25 — Фильм-концерт.

ЎзТВ-I. 11.30 — «Рус адабиёти». 12.00 — Телефильм. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — «Абадият қонуни». Видеофильм. 3-қисм.

ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.05 — Киноочерк. 18.20 — «Дўмбоқчалар». 18.40 — «Хива гилами». 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Қирқ дугона — қирқ пахтакор». 20.30 — «Ахборот». 20.50—Концерт. 21.30 «Время». 22.00 — Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 9.00—17.15 — МТ-II. 18.15 — Болалар учун фильм. 19.20 — «Китоб дўстлари». 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — «Вена почта маркази». Бадиий фильм. 21.30 — МТ-II.

Халқаро ҳаёт

ЯДРО АЖАЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Американинг таниқли сиёсий арбоби сенатор Эдвард Кеннеди Оқ уйни ядро қуроллари соҳасидаги хатарли сиёсатдан воз кечишга ҳамда музокаралар олиб бориш йўли билан халқаро кескинликни юмшатишга эришишга даъват қилди.

«Ҳозирги маъмурият миллионлаб америкаликларнинг даъватларига ниҳоят қулоқ солади ҳамда ядро аслаҳахоналарини биргаликда ва текшириб бўладиган тарзда кўпайтиришга қўйиш ҳамда қурол-яроғларни анча қисқартириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди деб умид қиламан»,— деди у Эн-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда. Сенаторнинг сўзларига кўра, бундай тадбир ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда айниқса зарурдир.

Ҳозир мамлакатнинг бутун территориясида урушга қарши ҳаракат қатнашчилари Вашингтоннинг ядровий муҳолифлик йўлига қарши норозилик белгиси сифатида оммавий намойишлар, конференциялар, семинарлар ва митинглар ўтказмоқдалар. Таниқли олим Р. Барнет Мидлтаунда (Коннектикут штати) ўтказилган конференцияда сўзга чиқиб, бундай сиёсат бутун инсоният учун ҳалокат келтириши мумкинлигини уқтириб, ўтди. Ядро қуролларини кўпайтирмаслик учун ўтказилаётган миллий кампания, деди унинг координатори Р. Келер «Чикаго трибюн» газетаси мухбири билан суҳбатда, ҳукумат билан конгресдан ядро қуроли янги системаларининг синовларини пул билан таъминлашни ва улар жойлаштирилишини тўхтатишларига эришиш учун ҳаракат қилади.

НИКАРАГУА ЭЛЧИСИ АҚШ СИЁСАТИНИ ҚОРАЛАДИ

БОГОТА. (ТАСС). Рейган маъмуриятининг Марказий Америкадаги сиёсати шу региондаги аҳволни нормаллаштиришга ҳалақит бераётган асосий омилдир, деди Никарагуанинг Колумбиядаги элчиси Ф. Киньонес. У «Эспектадор» маҳаллий газета мухбири билан суҳбатда АҚШ Марказий Америка мамлакатларига нисбатан тутган ўз сиёсатида фақат ҳарбий кучга таянмоқда, деб таъкидлади. Вашингтон қурол-яроғни пеш қилиб, региондаги халқларни чўчитишга, уларни демократия учун кураш олиб боришдан ва АҚШга қарамликдан ҳоли бўлишга эришишдан воз кечишга мажбур этиш учун интилмоқда. Рейган маъмурияти, деб таъкидлади Ф. Киньонес, Гренадага қарши қилган агрессияси сингари Никарагуага қарши агрессияни ҳам амалга оширишга тайёргарлик кўраётганлигини кескин қоралади. Митингда Америкаликларнинг юришлари бутун тинчликпарвар инсониятнинг норозилигига сабабчи бўлаётганлиги таъкидланди.

В. Байдашин фотоси.
(ТАСС).

ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК МАҚСАДИДА

ЛИССАБОН. Америка ҳарбий ҳаво кучларининг Терсейр оролидаги (Азор архипелаги) Лажиш базасини ижарага олиш муддати яна 7 йилга узайтирилганлиги Португалиянинг Америка ҳарбийларининг хатарли ҳарбий тайёргарлик гирдобига тортилаётганлигидан далолат беради. Шу ҳақдаги битимга Португалия ташқи ишлар министри Ж. Гама ва бу ерга визит билан келган АҚШ давлат секретари Г. Шульц имзо чекдилар.

(ТАСС).

ПОЛИЦИЯНИНГ ҲУЖУМИ

БОНН. Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасидаги Гевельсберг шаҳрида полиция маъмурлари Германия Компартиясига қарши қўпол игвогарлик қилдилар. «Унзере цайт» газетасининг хабар қилишича, полициячилар Германия Компартияси бюроси биносига бостириб кириб тинтув қилганлар ва партиянинг босма ҳужжатлари, шу жумладан ГПКнинг шаҳар парламентидаги фракцияси фаолиятига доир ҳужжатларни мусодара қилганлар.



● **ДЕҲЛИ. «Америка жаллодлари, Гренададан қўлингни торт!». Ҳиндистон пойтахтида ана шундай шиор остида меҳнаткашларнинг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари Америка қўшинларининг Гренадага қонунга ҳилоф равишда бостириб кирганлигини кескин қоралади. Митингда Америкаликларнинг юришлари бутун тинчликпарвар инсониятнинг норозилигига сабабчи бўлаётганлиги таъкидланди.**

В. Байдашин фотоси.
(ТАСС).

ЯНГИ ҚУРОЛЛИ ИҒВОГАРЛИК

БАЙРУТ. Ливан соҳилларида тўпланган Америка 6-флотининг кемалари Байрутнинг шарқидаги Ливан тоғли районларини ўққа тутдилар. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари айни бир вақтда Ливан территорияси устида разведка мақсадида учиб, кема артиллериясини мўлжалга олиб турдилар. Америкаликларнинг Байрутдаги расмий вакили шу қуролли ҳужум қилинганлигини тасдиқлаб, «кўп миллатли кучлар» составига кирган Америка қўшинлари ўзлари «зарур деб топган пайтда» зарба уриш ҳуқуқини сақлаб қоладилар, деб айтди.

Байрут радиосининг хабар қилишича, Шимолий Ливаннинг Триполи портини қуршаб олган Исроилнинг ҳарбий кемалари шаҳар районида жойлашган Фаластин озодлик ташкилоти отрядлари позицияларини шиддатли ўққа тутдилар. Фаластинликлар жавоб ўти очдилар.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● РИМ. Сардиния оролларининг аҳолиси Америкаларининг ўртача олисликка учириладиган янги ядровий ракеталарини Италия территориясида жойлаштиришга қарши кураш куни ўтказди. Минг-минглаб нишлар Кальяри шаҳрида урушга қарши оммавий намойишда қатнашдилар.

Италиянинг турли районларидан Сардинияга келган намойишчилар «Қанотли ракеталарга йўл-йўқ!», «Йўқолсин ажал базалари!», «Бизга тинчлик керак!» деган шиорларни баланд овоз билан айтдилар. Улар Америка билан НАТО ҳарбийларининг Италияни Американинг ядровий ракеталари учириладиган майдонга айлантириш режаларига қарши курашни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

● ДАМАШҚ. Ливаннинг Жуния порти районида турган Америка ҳарбий кемалари Ливанда тинчликни сақловчи араб мамлакатларнаро кучлар составидаги суриялик қўшинлар позициясини ўққа тутдилар. Сурия Араб Республикаси расмий ҳарбий вакилининг САНА агентлиги орқали берган баёнотида айни шу вақтнинг ўзида Американинг «Ф-14» самолётлари Метна районида Сурия позициясига ўтиб ўтганлиги айтилади. Суриянинг ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари бу самолётларни орқага қайтишга мажбур этдилар. Сурия вакили Америка ҳарбийларининг бу ҳаракатини олдиндан планлаштирилган агрессив ҳаракат деб таърифлади.

● ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти Марказий разведка бошқармаси билан мустаҳкам алоқада бўлган машъум «тинчлик корпуси»даги қўпорувчиларнинг катта бир группасини Гренадага ташлашни режалаштирмоқда. «Вашингтон таймс» газетасининг хабар қилишича, «хайрли» ишлар ниқобига бурканган «корпус» ходимлари амалда жосуслик маҳкамасининг топшириқларини бажариб, Гренада мактабларида «муаллимлик» қиладилар.

● ТОКИО. Японияда, 1981—82 йилларда меҳнат унумдорлиги қарийб 3 процент камайди. Меҳнат министрлигининг хабар беришича, бу ҳол мамлакат саноатининг экспорт ва кўпчилик молларга ички эҳтиёж камайганлиги муносабати билан мамлакат саноатининг етакчи тармоқларида вужудга келган ялпи турғунлик билан боғлиқдир. Маҳаллий экономистлар меҳнат унумдорлигининг тобора пасайиб бораётганлигидан ғоят ташвишланмоқдалар. Чунки бу ҳол Ғарбдаги рақиблар билан курашда Япония кампанияларининг мавқеини бўшаштириб қўяди.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ЎТКАЗИЛАДИ

Болалар страхованиеси— болалар ҳақида ғамхўрликдир

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Ўн саккиз ёш ҳар бир оила ҳаётида қувончли воқеа. Чунки худди ана шу кундан бошлаб ўғил ёки қизингиз кўпгина ҳуқуқларга эга бўлса-да, уларда янги вазифалар пайдо бўла бошлайди, мустақилликлари ҳам ортиб боради.

Шунинг учун ҳам сиз шодиёна кун узоқ муддат хотирада сақланиб қолинишини истайсиз албатта. Йигит ёки қизнинг ота-оналари (бола асраб олган ота-оналар ҳам) ва боланинг бошқа қариндошлари фарзандларини страхование қилиб қўйишлари мумкин. Страхование қилинаётган вақтда боланинг ёши ўн беш ярим ёшдан ошмаслиги лозим.

Страхование қилинган йигит ёки қизга страхование суммаси страхование шартномасининг муддати тугагандан сўнг берилади. Страхование учун тўланадиган бадал боланинг страхование қилиш тўғрисида ариза берилган кундаги ёшига, страхование муддатига, страхование суммасига ва уни тўлаш муддатига қараб белгиланади.


Страхование бадалларини страхование муддати давомида ҳар ойда тўлаб бориш ёки қисқа муддат ичида тўлаш ҳамда бир вақтда тўлаш ҳам мумкин.

Страхование суммаси страхование қилдирувчи билан давлат страховаииеси инспекцияси келишувига мувофиқ белгиланади. Лекин унинг миқдори 300 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Страхование шартномаси шартларида страхование суммасини ёки маълум бир қисмини боланинг шикастланиши, заҳарланиб қолиши, полиомиелит билан оғриши ва бошқа сабабларга биноан бола соғлиғи ёмонлашиб қолган тақдирда берилиши кўзда тутилади.



Бундан ташқари айрим ҳолларда (шартномада кўзда тутилган) страхование қилдирувчига ҳамма тўланган бадаллар қайтариб берилиши ҳамда страхование суммасининг 30 процентн ҳажмида нафақа тўланиши мумкин.

УЙ-ЖИҲОЗЛАРИ СТРАХОВАНИЕСИ



ҲАР БИР ОИЛА МАНФААТИНИ КЎЗЛАЙДИ

ҲАР БИР СОВЕТ ОИЛАСИ ЎЗ КВАРТИРАСИГА ЗАМОНАВИЙ МЕБЕЛЬ, ЧИРОЙЛИ КИЙИМ, ЯНГИ ТЕЛЕВИЗОР, ИДИШ-ТОВОҚ, ГИЛАМ ВА БОШҚА УЙ-РЎЗҒОР ҲАМДА ЎЗИ УЧУН КУНДАЛИК КЕРАК БЎЛАДИГАН БУЮМЛАРНИ ОЛИШ УЧУН КЎП МЕҲНАТ ВА ВАҚТ САРФ ҚИЛАДИ.

Шу билан бирга, кўпинча ёнғин, жала, иситиш системалари ва водопровод тармоқларининг авария бўлиши, қўшни хонадан сув оқиб чиқиши натижасида уй жиҳозларининг яроқсиз бўлиши ёки уларга зарар етиши ҳоллари учраб туради. Шунингдек, уй-рўзғор жиҳозларини ўғирлатиб қўйиш, доимий турар жойни ўзгартириш муносабати билан кўчиб кетилаётганда уларга зарар етиши ҳоллари бўлиши мумкин.

Агар Сиз ўз буюмларингизни страхование қилдирган бўлсангиз, у ёки бу ҳодиса туфайли ташвишингиз ва кўрадиган моддий зарарингиз бирмунча кам бўлади.

УЙ ЖИҲОЗЛАРИ ДОИМИЙ ТУРАР ЖОЙДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНАДИ.

Уй жиҳозларини 2 ойдан 11 ойгача ва 1 йилдан 5 йилгача муддатга исталган нархда (тутилганлигини ҳисобга олган ҳолда) давлатнинг мавжуд чакана баҳосида ҳар қандай суммага страхование қилдириш мумкин.

Тўловлар, уй-жойнинг ёнғинга чидамлилиги ва қаерга жойлашганлигига қараб 1 йилга страхование қийматининг ҳар 100 сўмидан шаҳарларда, қишлоқ район марказлари ва посёлкаларида 15 тийиндан 40 тийингача қилиб белгиланган.

Уч йил ва ундан кўпроқ муддатга страхование шартномаси тузилганда страхование қилдирувчига тўлов суммасининг 10 проценти ҳажмида имтиёз берилади. Уй жиҳозларини доим страхование қилдирувчиларга бошқа имтиёзлар ҳам берилади.

Иморатлар страховаииеси— қулай ва фойдали!

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ХУСУСИЙ МУЛКИ БЎЛГАН ҚУРИЛИШЛАР МАЖБУРИЙ СТРАХОВАНИЕГА ҚЎШИМЧА РАВИШДА БУЗИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИНГАН ҲОЛДА ИСТАЛГАН СУММАДА КЎНГИЛЛИ ТАРТИБДА СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНИШИ МУМКИН.

Бунда страхование суммаси қурилишнинг давлат томонидан шу районда жорий этилган қурилиш материаллари, уларни ташиш таърифлари ва иш ҳақи ставкасидан ошмаслиги керак.

Кўнгилли страхование қилиш унинг эгасига қурилишлар ёнғин, портлаш, яшин уриши, сув тошқини, зилзила, бўрон, довул, жала, дўл, тўсатдан ер ости суви чиқиб кетиши, ана шу район учун хос бўлмаган узлуксиз ёмғир ёки қалин қор ёғиши, сел келиши, иситиш системалари, водопровод ва канализация тармоқларининг аварияга учраганлиги, шунингдек ёнғиннинг кучайишига ёки тўсатдан сув тошқини хавфи туғилганда қурилишларни бузиш ва бошқа жойга ўрнатиш зарур бўлиб қолган тақдирда вайрон бўлиши ёки яроқсиз ҳолга келишида кўриладиган зарарни бирмунча тўла ундириб олиш имконини беради.

Шартнома 1 йил муддатга тузилади. Страхование тўлови кўп эмас, ҳар 100 сўм страхование суммасидан шаҳарларда 30 тийин, қишлоқларда 35 тийин қилиб белгиланган. Агар Сиз шартнома тузган бўлсангиз, унинг муддатини ўз вақтида янгилашни унутманг!





НИКОҲ СТРАХОВАНИЕСИ— ЙИГИТ-ҚИЗГА СОВҒА!

Никоҳ страховаииеси шартномаси бўйича страхование суммаси йигит ёки қизга страхование муддати тугаганидан сўнг никоҳдан ўтиб турмуш қурсалар берилади.

Агар страхование қилдирилган шахс 25 ёшга тўлиб турмуш қурмаса у ҳолда бу шахсга страхование суммаси 21 процент ортиқ тўланади. 18 ва 25 ёш орасида турмуш қурганларга ҳам страхование суммаси қўшимча процентлар билан тўланади (страхование муддати тугаганидан кейинги ҳар бир тўлиқ йил учун 3 процент).

Страхованиенинг бу тури бўйича 15 ёшдан ошмаган болалар фойдасига страхование шартномаси тузилади. 18 ёшдан ошган шахслар страхование қилдирувчи бўлишлари мумкин, лекин уларнинг ёши страхование муддати тугаганида 75 ёшдан ошмаган бўлишлари шарт. Страхование суммаси камида 300 сўм бўлиши лозим.

Страхование муддати боланинг ёшига боғлиқ. Ҳар ойлик страхование бадали страхование қилдирувчининг ёши, страхование суммаси ва страхование муддатига боғлиқ.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ АҲОЛИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИГАН ШАХСНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИДАН ЯНА БИРИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҲИСОБЛАНАДИ.

Давлат страхование органлари 16 ёшдан 75 ёшгача бўлган ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, уй бекалари ва бошқа кишилар билан 1 йилдан 5 йилгача муддатга бахтсиз ҳодисалардан страхование шартномаларини тузади.

Страхование бадали страхование қилдириш хоҳишини билдирган кишининг касби ва ишлаб чиқариш турига қараб бир йилга ҳар 100 сўмдан 25 тийиндан 1 сўм 20 тийингача белгиланади.

Страхование суммаси ёки унинг бир қисми страхование қилдирувчи жароҳатланиш (лат ейиш, яралар бўлиш, суяк синиши, куйиш, совуқ уриши, электр токидан, эзилишдан зарарланиш, бўғин чиққанда) натижасида умумий меҳнат қобилиятини доимий (тўла ёки қисман) йўқотган тақдирда тўланади.

Қишлоқ хўжалик чорва моллари эгалари диққатига!


УЙ ҲАЙВОНЛАРИНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ИККИ ФОРМАДА — МАЖБУРИЙ ВА ИХТИЁРИЙ ФОРМАДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Йирик қорамоллар, от ва туяларни харид баҳоси қийматининг 40 проценти ҳажмида страхование қилиш мажбурий страхование ҳисобланади. Ихтиёрий страхование шартномаси тузиш билан страхование баҳосини икки баравар ошириш мумкин.

Қўй, эчки, чўчқа, эшак ва хачирлар харид баҳоси қийматининг 80 проценти ҳажмида ихтиёрий страхование қилинади.

1983 йил 1 январдан бошлаб ҳамма ҳайвонларнинг мажбурий ва ихтиёрий страхованиеси бўйича страхование суммаси кўпайтирилди ҳамда шикастланган, нобуд бўлган ёки мажбуран сўйилган ҳайвонлар учун бериладиган страхование суммаси оширилди.

Ихтиёрий страхование бўйича чорва моллари касалланса, ёнғин, портлаш, яшин уриш, электр токи таъсири, офтоб уриш, зилзила, бўғилиш йиртқич ҳайвонлар ҳужуми, заҳарли ўт-ўлан ёки моддалардан тўсатдан заҳарланиш ҳоллари юз берса, илон ёки заҳарли ҳашаротларнинг чақишидан ўлса, ҳайвонлар сувга чўкса, транспорт босиб кетса, ғорга тушиб кетса ёки бошқа жароҳатлардан нобуд бўлса, шунингдек мутахассис ветеринар ёки қишлоқ Совети депутати кўрсатмасига биноан мажбурий равишда сўйилса, кўрилган зарар тўланади.



Агар Сиз страхование шартномаси тузган бўлсангиз, уни ўз вақтида янги муддатга расмийлаштиришни унутманг.

УЙ ҲАЙВОНЛАРИ БИР ЙИЛ МУДДАТГА ИХТИЁРИЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНАДИ.

Страхование тўлови уй ҳайвонининг тури, ёши ва страхование суммасига боғлиқ.

Ҳаётнинг аралаш страховаииеси— меҳнаткашлар манфаатини кўзлайди



ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

Сиз шахсни страхование қилишнинг мамлакатимизда энг кўп тарқалган турларидан бири ҳаётнинг аралаш страховаииеси эканлигини билсангиз керак.

Страхованиенинг бу тури шартномалари ҳар хил страхование суммалари бўйича 16 ёшдан 70 ёшгача бўлган гражданлар билан 5, 10, 15, 20 йил муддатга тузилади. Аммо страхование муддати охирида унинг ёши 75 ёшдан ошмаслиги керак.

Давлат страховаииеси органлари билан келишилган ҳолда исталган суммага страхование шартномаси тузиш мумкин.

Страхование гувоҳномасида кўрсатилган страхование суммаси қуйидаги ҳолларда тўланади.

Страхование муддати тугаганда;

страхование қилдирувчи жароҳатланганда, тўсатдан сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан қаттиқ оғриши, баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриши натижасида умумий меҳнат қобилиятини йўқотганда. Страхование қилдирувчи юқоридаги кўрсатилган сабаблар туфайли умумий меҳнат қобилиятини маълум даражада йўқотган тақдирда страхование суммасининг тегишли қисми берилади.

Страхованиенинг ойлик бадали миқдори страхование қилдирилган суммага, страхование қилдирилган кишининг страхование қилдириш тўғрисидаги ариза берган кундаги ёшига ва страхование муддатига боғлиқдир. Страхование бадалини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан, шунингдек страхование агентига нақд пул ёки омонат кассадаги махсус ҳисоб-китоб бўйича тўлаш мумкин.

СТРАХОВАНИЕ БАДАЛИ СТРАХОВАНИЕНИНГ УМУМИЙ МУДДАТИ ДАВОМИДА БИР ОЙ ОЛДИН ТЎЛАНИШИ КЕРАК.

Транспорт воситаларининг эгалари диққатига!

АГАР СИЗДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ, МОТОЦИКЛ, МОТОРОЛЛЕР, МОТОКОЛЯСКА, МОТОНАРТА, МОПЕД (двигателининг иш ҳажми камида 50 см3ли), КАТЕР, ЯХТА, МОТОРЛИ, ЕЛКАНЛИ ЁКИ ЭШКАКЛИ ҚАЙИҚ БЎЛСА, УЛАРНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛДИРИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

Страхование шартномаси транспорт воситасининг авария (йўл-транспорт ҳодисалари), ёнғин, портлаш, яшин уриш, довул, жала ва бошқа табиий офатлар, шунингдек транспорт воситасини ўғирлаб кетиш ва уни ўғирлаб кетиш ёки олиб қочиш пайтида етказилган моддий зарарни қоплашга (страхование суммаси миқдорида) кафолат беради.

Страхование суммаси страхование қилдирувчи хоҳишига қараб, лекин транспорт воситасининг қиймати давлатнинг мавжуд чакана баҳосидан (фойдаланилганлигини ҳисобга олиб) оширмасдан туриб белгиланади.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИ 1 ЙИЛ МУДДАТГА ТУЗИЛАДИ.

Страхование тўлови транспорт воситасининг тури, страхование муддати ва страхование суммасининг миқдорига қараб белгиланади.

Страхование қилдирган киши олдинги 2 йил мобайнида транспорт воситасини узлуксиз страхование қилдирган ва шу муддатда ўз айби билан авария содир қилмаган бўлса, кейинги шартномани тузиш пайтида тўланадиган тўловни 10 процент миқдорда, уч ва ундан кўп йил муддатга страхование қилдирганда эса — 15 процентга камайтириш ҳуқуқига эга.

Страхование тўловини страхование агентига нақд пул билан, шунингдек, иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан тўлаш мумкин.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА СТРАХОВАНИЕ БАДАЛЛАРИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Страхование тўловларини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан тўлаш бирмунча қулай. Бундан ташқари страхование тўловларини нақд пул билан страхование агентига тўлаш мумкин. Болалар страховаииеси, ҳаётнинг аралаш страховаииеси ва никоҳ страховаииеси тўловларини Давлат страховаииеси инспекцияси томонидан страхование эгасига берилган ҳисоб дафтарчаси бўйича омонат кассада сақланаётган омонатдан ёки почта переводи орқали тўлаш ҳам мумкин.

Страхование шартлари ва шартномалар тузиш қоидаларини Давлат страховаииесининг район (шаҳар) инспекциясида ёки сиз меҳнат қилиб турган ташкилот, корхона ва муассасага хизмат қилувчи страхование агентига учрашиб тўлиқроқ билиб олиш ва шартнома тузиш мумкин. Страхование агентини уйга таклиф қилиш ҳам мумкин.

Тошкент область Давлат страховаииеси

Бош бошқармаси

Р. 03249. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1736. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12